



SOME CONSIDERATIONS REGARDING SECTS BELONGING TO THE RAFIDITE MOVEMENT DURING THE SAMANID ERA

Akmalin Saidjonov
Assistant Lecturer
Kokand State University
Uzbekistan, Fergana

ABOUT ARTICLE

Key words: Samanids, Mawarannahr, Khorasan, sect, rafidites, alawites, ismailis, karramites, kayyaliyas.

Received: 09.05.25

Accepted: 11.05.25

Published: 13.05.25

Abstract: The purpose of this article is to shed light on the activities of sects belonging to the Rafidite movement that existed in Mawarannahr and Khorasan during the Samanid dynasty (204–389/819–999), based on data from sources. Based on this, the places of residence of sects such as Alawites, Ismailis, Karramites, and Kayyaliyas in the Samanid territory, as well as their influence on social and political life, were analyzed. The information is based on the works of Tabari, Ibn Nadim, Narshakhi, Utbi, Gardizi, Nizamulmulk, Ali Bayhaqi, Umar Nasafi, and other scholars who wrote in Arabic and Persian in different periods of the Middle Ages.

СОМОНИЙЛАР ДАВРИ РОФИЗИЙЛИК ТОИФАСИГА МАНСУБ ФИРҚАЛАРГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Акмалдин Saidjonov
ассистент ўқитувчи
Қўқон давлат университети
Ўзбекистон, Фарғона

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: сомонийлар, Мовароуннахр, Хурросон, фирқа, рофизийлик, алавийлик, исмоилийлик, карромия, кайёлия.

Аннотация: Ушбу мақоладан кўзланган мақсад сомонийлар сулоласи (204–389/819–999) даврида Мовароуннахр ва Хурросон худудларида мавжуд бўлган рофизийлик тоифасига мансуб фирмаларнинг фаолиятларини манбалардаги маълумотларга асосланган ҳолда ёритишдан иборат. Шундан келиб чиқсан ҳолда, алавийлик, исмоилийлик,

карромия ва кайёлия каби фирмаларнинг сомонийлар худудидаги яшаш ўринлари ҳамда уларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётга ўтказган таъсирлари таҳлил қилинди. Ундаги маълумотлар ўрта асрларнинг турли даврларида араб ва форс тилларида ижод қилган Табарий, Ибн Надим, Наршахий, Утбий, Гардизий, Низомулмулк, Али Байҳакий, Умар Насафий ва шу каби бошқа олимлар асарларига асосланади.

НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ О СЕКТАХ, ПРИНАДЛЕЖАЩИХ К ТЕЧЕНИЮ РАФИДИТОВ В ЭПОХУ САМАНИДОВ

Акмалин Сайджонов

Ассистент преподаватель

Кокандского государственного университета

Узбекистан, Фергана

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Саманиды, Мавераннахр, Хорасан, секта, рафидиты, алавиты, исмаилиты, каррамиты, кайялиты.

Аннотация: Целью данной статьи является освещение деятельности сект, принадлежащих к течению рафидитов, существовавших в Мавераннахре и Хорасане в эпоху династии Саманидов (204–389/819–999), на основе данных из источников. Исходя из этого, были проанализированы места проживания таких сект, как алавиты, исмаилиты, каррамиты и кайялиты, на территории Саманидов, а также их влияние на социальную и политическую жизнь. Информация основана на трудах Табари, Ибн Надима, Наршахи, Утби, Гардизи, Низамулмулька, Али Байхаки, Умара Насафи и других ученых, писавших на арабском и персидском языках в разные периоды средневековья.

КИРИШ

Исломий фирмалардан дастлабкиси Араб халифалиги (11–656/632–1258) худудларида рошид халифалар (11–40/632–661) даврида пайдо бўлди (Saidjonov, 2022, pp. 15–17). Кейинги даврларда уларнинг сони янада ортди. Аббосийлар сулоласи (132–656/750–1258) даврида халифаликнинг шарқий чегараларида, яъни сомонийлар (204/819–389/999) қўл остидаги Мовароуннахр ва Хурросон худудларида ҳам улар ўз фаолиятини олиб бордилар. Булардан рофизийлик тоифасига мансуб бўлганлари ўзларининг ижтимоий ҳамда сиёсий фаолликлари билан алоҳида ажралиб турди. Куйида булардан тўрттаси, алавийлик, исмоилийлик, карромия ва кайёлия ҳақида сўз юритилади.

Сомонийлар даврида Ҳасан ибн Қосим, Абу Жаъфар Алавий, Абулхусайн Мұхаммад ибн Аҳмад Зуборий, Абу Яъло Ҳамза ибн Мұхаммад Алавий сингари алавийлар, Абу Абдуллоҳ Ходим, Абу Саид Шаъроний, Ҳусайн ибн Али Марварудий, Абулҳасан Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамдүя Насафий каби исмоилийлар ўз эътиқодларини ёйища кенг фаолият олиб боришидилар. Исмоилийлар ҳаттоки сомонийлар худудининг қоқ марказидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, давлат ва қўшиндаги мансабдорларни ҳам ўз томонига оғдиришга эришадилар. Шунингдек, бу даврда сомонийлар ҳудудида, хусусан, Нишопур ва Ҳирот ҳамда унга туташ ҳудудларда карромийлар кенг тарқалган. Улар Фарғона, Ҳуттал, Марваруд, Самарқанд, Журжон, Жузжон, Биёр ва Жиболи Табаристонда бир қанча хонақоҳларга эга бўлган. Ушбу фирмә вакиллари ашъарийлик ва мотуридийликни қабул қилган ҳанафий ва шофеъий мазҳаби вакиллари билан доимий баҳс-мунозарада бўлиб келишган. Кайёлийлар ҳам Мовароуннаҳр ва Хурросон ҳудудларида ўрнашиб, маълум муддат ўз фаолиятларини юритдилар. Бу жараёнда сомоний амалдорларнинг рўли катта бўлди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Алавийлик. Рофизийликнинг бир қанча фирмалари мавжуд бўлиб, булардан биринчи пайдо бўлгани алавийликдир. Сомонийлар даврида алавийлар оиласи вакиллари Хурросоннинг Нишопур, Машҳад ва Тус шаҳарларида, Мовароуннаҳрда эса Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда яшаган. Муқаддасийнинг ёзишича, бу ҳудудларда алавийларнинг мавқеи жуда баланд бўлган (Муқаддасий, 1967, б. 323).

Зайдий алавийлар 250/864 йили Ҳасан ибн Зайд, Мұхаммад ибн Зайд ва Ҳасан ибн Али Утраший каби имомлар бошчилигига Табаристонда давлат тузишгач (Табарий, 1967, ж. 9, б. 271–275), Табаристон, Журжон ва Дайламда рофизийлик кенг тарқала бошлади. Кейинчалик бу ҳудудлар сомонийлар сулоласи томонидан босиб олинди, шундай бўлса-да сомонийларнинг бу ердаги ноиблари алавийларга яхши муносабатда бўлишган (Ибн Асир, 1982, ж. 8, б. 81). Табаристон бироз вақтдан сўнг яна алавийлар қўлига ўтади. Бироқ 316/928 йилги ҳал қилувчи жангда Асфар ибн Ширия Ҳасан ибн Қосимни мағлуб этиб, Журжон ва Табаристонда сомонийлар ҳукмронлигини қайта тиклади. Бир неча алавий ва уларнинг Абу Жаъфар Алавий каби бошлиқлари Бухорога олиб кетилди. Наср ибн Аҳмад даврида, яъни 318/930 йили содир бўлган кўзғолонда улар кўзғолончилар сафидан жой олишади. Сомонийларнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, алавийлар ўз таъсир доирасини Хурросоннинг ғарбий чегараларигача кенгайтирганини кузатиш мумкин. Ибн Фазлоннинг ёзишича, у 309/921 йилда Домиғонга этиб келганида, шаҳар алавийлар қўл остида бўлган ва у ерда Ҳасан ибн Қосим ад-Доъийнинг қўмондонларидан Ибн Қорангага дуч келган. Ибн

Фазлон шунингдек, ундан хавфсираганлиги сабабли карvonнинг устида кўринишини ўзгартириб, йўлида давом этганини қайд этган (Иbn Фазлон, 1959, б. 74).

Ўртадаги зиддиятларга қарамай, сомонийлар алавийларни ҳурмат қилган. Амир Исмоил уларга мол-мулк бериб, ўлпон тўлашдан озод этган (Наршахий, 1351, б. 22, 40, 46, 83, 84). Баъзи ривоятларга кўра, Исмоил Сомоний ёшлигига Муаддабий Рофизийдан илм ўрганган (Захабий, 1992–1993, ж. 14, б. 154–155). Сомонийлар даврида Самарқандрофизийларнинг муҳим марказларидан бири бўлган. Муҳаммад ибн Масъуд Айёший (320/941) бу шаҳарда илмий жамоа ташкил этишга муваффақ бўлган. Наср ибн Аҳмад ваундан кейинги амирлар даврида Самарқандда зоҳид сифатида танилган рофизийлик вакили Иброҳим ибн Али Куфий катта ҳурматга эга бўлган (Тусий, 1347, б. 438).

Алавийлик Нишопур, Машҳад ва Байҳақда анча вақт давомида алоҳида мавқега эга бўлган ва бу шаҳарларда кўплаб алавий оиласари яшаган. Али ибн Зайд Байҳақий ўзининг “Тариху Байҳақ” асарида бу ерларнинг кўзга кўринган оиласари, зодагонлари ва олимлари ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Улар орасида алавийликка мансуб кўплаб кишиларни учратиш мумкин. Наср ибн Аҳмад даврида алавийлар хонадони тарафдорлари аббосийлар халифалигига қарши сиёсий ҳаракат уюштиради. Абулҳусайн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Зуборий Нишопурний (339/950 йили вафот этган) машҳур алавий шоирларидан бири бўлиб, у адаб, шоир, ҳофизи Куръон, тарихчи, хаттот ва фасоҳатли инсонлардан саналган. Шу сабабли кўплаб амирлар, саркардалар ва оддий халқ вакиллари уни халифа деб билиб, унга байъат қилишган (Байҳақий, 1967, б. 98, 440). Зуборий “ал-Озид биллоҳ” лақабини олиб, тўрт ой давомида унинг номига хутба ўқилади. Баъзи ривоятларга кўра, Нишопурда ўн мингга яқин киши Муҳаммад Зуборийга байъат қилган. Лекин у Наср ибн Аҳмаднинг қўшин қўмондонларидан Ҳамуя ибн Али томонидан қўлга олинади. Сомонийлар ҳукумати бу ҳаракатнинг кучайиб кетишидан хавотирланиб, Зуборийни зинданбанд этиш учун Бухорога олиб келади ва шу ерда қамоқقا ташлайди. Орадан тахминан бир йил ўтгач, Зуборий амир Наср томонидан афв этилиб, унга икки юз дирҳамга тенг бўлган ойлик маош тайинланади ҳамда ҳурмати жойига қўйилган ҳолда Нишопурга қайтарилади (Ибн Инаба, 1987, б. 194). Айрим манбаларда Зуборий “соҳибу-л-арзок”, баъзан эса, “нақибу-н-нуқабо” номи билан ҳам тилга олинади (Байҳақий, 1967, б. 95, 98, 440).

Шундан сўнг ҳам алавийларнинг қаршилик ҳаракатлари тўхтаб қолмади. Нух ибн Наср амирлиги даврида Нишопурда алавийларнинг кўзга кўринган намояндаларидан бирини қўллаб-қувватловчи янги бир ҳаракат юзага чиқди. Қазвирлик Абу Яъло Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Алавий Яздий (346/957 йили вафот этган) 330/941 йилда Нишопурга келиб, у ерда 337/948 йилгача яшаган. Абу Яъло халифалар, мухожирлар ва ансорлар

ҳақида яхши фикрда бўлган, Язидни тақfir қилишдан ҳам ўзини тийган. Абу Яъло Рай томон ҳаракатланганда, Нишопур аҳли унга байъат қилмоқчи бўлади, лекин у бу ишга рози бўлмайди. Абу Яълонинг тарафдорлари қўпайиб боришидан хавфсираб, Абу Али Мухтожий Ҷағоний 337/948 йили Райга ҳарбий юриш уюштиради. У Абу Яълони ғалаён келтириб чиқаради деган айблов билан ҳибсга олиб, уни ҳалқнинг кўзидан яширишга уринади. Абу Али Мухтожий турклар билан бирга Абу Яълони аввал Нишопурга, 339/950 йилда эса Бухорога жўнатади. Кейинроқ Абу Яъло озод қилиниб, Нишопурга қайтарилади. Абу Яъло вафот этгач, унинг жасади Қазвинга олиб кетилган (Самъоний, 1962–1982, ж. 7, б. 368–369).

Рофизийларнинг таникли адиби Абу Бақр Хоразмий ўз сафдошларига йўллаган мактубида, у сомонийларнинг Хуросондаги қўшини қўмондони Абулҳасан ас-Симжурнинг ёмон муомаласидан ва рофизийларнинг зулмидан нолиб, шикоят қилган. Сомонийлар сулоласининг инқирози ва ғазнавийларнинг тарих саҳнасига чиқиши рофизийлар, шу билан бир қаторда, алавийлар учун ҳам оғир оқибатларга олиб келди. Чунки султон Маҳмуд Ғазнавий аҳли сунна эътиқодига амал қилган ҳамда халифаликка байъат қилиб, аббосийлар халифасига душман ва мухолиф гурухларга, жумладан, рофизийлик ва мұтазилаға қарши кураш олиб борган (Хатиб Бағдодий, 1985, ж. 4, б. 37, 38).

Исмоилийлик. Исмоилийлик рофизийликнинг катта бир фирмаси бўлиб, унга эргашувчилар имоматлик Жаъфар ас-Содикдан (148/765 йили вафот этган) кейин унинг тўнғич ўғли Исмоилга (143/761 йили вафот этган) ўтган ҳамда у билан тугаган деб ҳисоблайдилар. Қарматийлар ҳам бу фирмага мансуб бўлсалар-да, улар имоматлик Исмоилдан кейин унинг ўғли Муҳаммадга ўтган деб ҳисоблайдилар. Исмоилийликка қарши кишилар томонидан қилинган ривоятларга кўра, бу фирманинг пайдо бўлиши III/IX асрда ўзини Муҳаммад ибн Исмоилнинг авлоди деб ҳисоблаган Абдуллоҳ ибн Маймун Қаддоҳ исмли киши билан боғлиқ ҳамда унинг авлодлари Рай, Табаристон, Хуросон, Яман, Қатиф, Баҳрайн ва Форс шаҳар ва туманларида исмоилийликнинг ilk тарғиботчилари бўлганлар (Ибн Надим, 1346, б. 238). Аммо баъзи олимлар буни инкор этишади. Маҳдий (297–322/910–943) лақаби билан танилган Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад 297/910 йили Мағрибда халифаликка даъво қилиб чиқади ва исмоилийликни тарғиб қилиш учун бош кўтаради. Натижада Қайравонда фотимиийлар давлатини тузишга эришади. Унинг тарафдорлари 358/969 йили Мисрни эгаллагач, у ерга кўчиб ўтадилар (Ибн Надим, 1346, б. 338–339). Фотимиийлар давлати барпо этилганидан бошлаб, Убайдуллоҳ Маҳдийнинг даъватчилари аббосийлар халифалигининг шарқий ҳудудларида ҳам ўз ғояларини тарғиб қила бошлаганлар. Исмоилийлик тарғиботчилари айниқса, Ироқ ва Эронда кенг фаолият олиб боришган. Хуросон ва Мовароуннахр эса, уларнинг тарғибот майдонига

айлантирилади. Ҳатто улар сомонийлар худудининг қоқ марказидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, давлат ва қўшиндаги мансабдорларни ҳам ўз томонига оғдиришга эришадилар. И smoилийлар IV/X асрда ҳам сомонийлар бошқаруви остидаги худудларда хаёт кечириб, ўз фаолиятларини давом эттиришган.

Хурросонда и smoилийлик тарғиботининг бошланиши III/IX асрга тўғри келади, яъни тоҳирийлар сулоласи вакили Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир (248–259/862–873) даврида бу заминда и smoилийлар пайдо бўла бошлаган (Бағдодий, 1948, б. 19). Аммо бу даврдаги и smoилийлик “доъийлар”ининг фаолияти ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Ҳижрий III асрнинг сўнгги ўн йиллигига Абу Абдуллоҳ Ходим исмли киши и smoилийликнинг Хурросондаги бош тарғиботчиси бўлиб, унинг қарапгохи Нишопурда жойлашган. У Хурросон ва Мовароуннахрнинг кўплаб шаҳарларига ўз ноибларини жўнатган (Фазлуллоҳ, 1356, б. 12).

И smoил Сомоний даврида, яъни 295/907 йили Ғур ва Ғарча тоғларида Яъқуб ибн Лайснинг жияни Абу Билол исмли и smoилийлик тарғиботчиси пайдо бўлади. У ўзи ўрнашган худудни “дору-л-адл” деб номлаб, Ҳиротнинг ўн мингдан ортиқ қишлоқ аҳолиси ва деҳқонларини у ерга ҷақиради. Уларнинг ҳаракати жиҳдий тус олишни бошлагач, Ҳирот ҳокими Муҳаммад ибн Ҳарсама бу ҳақидаги хабарни амир И smoил Сомонийга етказади. Амир Ҳирот ҳокимига ёрдам бериш учун Тиқаш ва Абу Али Марварудий қўмондонлигига кўшин жўнатади. Сомонийлар қўшини билан и smoилийлар ўртасида бўлиб ўтган жангда Абу Билол ва ҳаракатнинг бошқа етакчилари асирга олинди ҳамда ўлдирилди. Шундан сўнг и smoилийлар даъвати Мовароуннахр ва Хурросонда бир муддат тўхтаб қолади (Низомулмулк, 1355, б. 299).

Ибн Надимнинг ёзишича, Убайдуллоҳ Маҳдий 307/920 йили Абу Абдуллоҳ Ходимнинг ўрнига Абу Саид Шаъронийни Хурросондаги тарғиботга раҳбар этиб тайинлайди. У Наср ибн Аҳмаднинг Нишопурдаги қўшини раҳбарларидан баъзиларини, жумладан Ҳусайн ибн Али Марварудий (Марвазий ҳам дейилади) ҳамда вазири Муҳаммад ибн Мусо Балхийни и smoилийларга қўшилишга кўндиради. Бу икки нуфузли шахснинг ёрдами билан кўплаб инсон и smoилийликка ўтказилган (Ибн Надим, 1356, б. 12). Шаъроний Абу Бақр ибн Муҳтож даврида (321–327/933–939) Нишопурда ўлдирилган (Бағдодий, 1948, б. 170).

Абу Саид Шаъронийдан сўнг Ҳусайн ибн Али Марварудий и smoилийлар ҳаракатига бошчилик қилган ва ўз фаолиятида катта муваффақиятларга эришган. У олиб борган тарғиботлар натижасида сомонийлар бошқаруви остидаги Толиқон, Маймана, Фарёб, Фарҷистон, Ғур худудларида кўплаб одамлар и smoилийликни қабул қиласи (Низомулмулк, 1355. б. 285). Ҳусайн ибн Али Марварудий 302/915 йили сомонийлар амири Наср ибн

Аҳмад ибн Исмоилга қарши қўзғолон кўтаради. Лекин бу қаршилик мағлубият билан якунланади. Ҳусайн ибн Али Марварудийдан кейин унинг ўрнига моваронуннаҳрик Абулҳасан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамдуя ан-Насафий исмоилийлик тарғиботига етакчилик қиласи (Ибн Надим, 1346, б. 239). У Бухородан олти чакирим узоклиқдаги Баздаҳда жойлашиб, ўз тарғиботини олиб борган. Шунингдек, у олим ва ёзувчи хам ҳисобланган. Насафий ва унинг илмли сафдошларининг тарғиботлари натижасида исмоилийлик сомонийлар сулоласи вакиллари, сарой аъёнлари, шаҳар бошликлари ва оддий аҳоли орасида ҳам кенг тарқала бошлайди. Жумладан, амир Насрнинг жияни Бақр Нахшабий, хос котиби Ашъас, шунингдек, Абу Мансур Чағоний, Ойтош Ҳожиб ҳамда сомонийлар сипоҳсолори Бақр ибн Маликнинг укаси Ҳасан ибн Малик ҳам исмоилийликка ўтган. Исмоилийларнинг энг катта ютуғи эса, амир Насрнинг улар томонга ўтиши бўлди. Вазият шу даражага бориб етдики, хукмдор исмоилийларнинг барча айтганини бажарадиган бўлди (Низомулмулк, 1355, б. 287–289). Мақризийнинг ёзишича, амир Наср ибн Аҳмад Сомоний Маҳдийга мактуб йўллаб, унинг халифалигини тан олгани ва агар буюрса, эллик минглик қўшин билан унинг ҳузурига бориб, дунё аҳлини унинг итоатига бўйсундиришини айтади. Маъруфий Балхий ўз шеърида Наср ибн Аҳмад саройига яқин шоирлардан бири бўлган Рудакийнинг исмоилийликка мойиллигини очиб берган. У шундай дейди: “Мен шоирлар султони Рудакийдан эшитганман, дунёда фотимиийлардан бошқа ҳеч ким йўқдир” (Lazard, 1964, p. 136).

Ибн Надимнинг ёзишича, Абулҳасан Муҳаммад Насафий ўзидан олдинги исмоилийлик даъватчиси Марварудийнинг қони эвазига сомонийлар амиридан ҳар бири минг мисқолга teng бўлган 119 минг динор олиб, фотимиийлар халифаси, яъни исмоилийларнинг ўша вақтдаги етакчиси Қоимга жўнатган (Ибн Надим, 1346, б. 239). Насафийнинг сомонийлар саройидаги нуфузи шу даражага етдадики, эндиликда у исмоилийликни очиқласига тарғиб қила бошлади. Бу ҳолат амир ва саройнинг қўриқчилари бўлган аҳли сунна уламолари ҳамда туркий лашкарбошиларнинг ғазабини қўзғатди. Улар амир Насрни ўлдиришга ва исмоилийларни йўқ қилишга қарор қиласидар. Амир Наср бу пайтда касаллиги сабабли тўшакка михланиб ётган эди. У фитна ҳақида ўғли Нуҳ орқали хабар топади ҳамда саройдан чиқиб кетишга муваффақ бўлади. Унинг ўрнига 331/942 йили ўғли Нуҳ амирлик таҳтига кўтарилади (Ибн Надим, 1346, б. 239).

Бу пайтда исмоилийлик вакилларидан Ибн Савода амир Нуҳни исмоилийликка ўтказмоқчи бўлади ва шу мақсадда ўз шаҳрига кетган Насафийдан исмоилийлик олимларидан бир қанчасини амир Нуҳнинг саройига жўнатишини илтимос қиласи. Лекин Нуҳ ибн Наср аҳли сунна эътиқодига амал қилгани сабабли Ибн Саводани ўлдирди (Низомулмулк, 1355, б. 295). Насафийни эса, факиҳлар билан баҳс олиб бориши учун

чақирилди. Фақиҳлар уни шармандасини чиқариб, ўлимига фатво берадилар. Амир Нұх Абулхасан Мұхаммад Насафий билан бир қаторда, унинг даъватига қўшилган барчани ўлимга хукм қилди. Улар орасида Насафийнинг Саббоғ номи билан машхур бўлган яқин сафдоши Мұхаммад ибн Саид ибн Муъз Манодил Бухорий ҳам осиб ўлдирилади. Шу тариқа сомонийлар ҳудудида исмоилийлик устунлари бузиб ташланади. Бу ишлар таникли ҳанафий фақиҳи ва амир Нұхнинг вазири Абулфазл Мұхаммад ибн Аҳмад Суламий Марвазий ва бухоролик фақиҳ Абу Ҳафс Аҳмад ибн Мұхаммад Ижлийларнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилди (Насафий, 1991, б. 88).

Бухоро исмоилийлардан тозалангач, Исфижоб ва Насафда ҳам уларнинг тарғиботларига чек қўйилади. Эндиликда исмоилийлар ўз даъватларини яширин тарзда олиб борадиган бўлди. Марварудий ва Насафийларнинг ўлемидан сўнг Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Аҳмад Сижистоний (386/996 ёки 393/1003 йили вафот этган) Сеистон ва Хурсонда исмоилийликнинг навбатдаги машхур тарғиботчиси бўлди. Аммо у Сеистон амири Халаф ибн Аҳмад томонидан ўлдирилди (Бағдодий, 1948, б. 170).

Нұх ибн Наср 343/954 йили вафот этиши билан исмоилийлар сомонийлар ҳудудида яна пайдо бўлиб, улар ўтмишдагидек сарой, девон ва қўшин ичига ҳам кириб бордилир. Абдулмалик ибн Нұхнинг қўшин қўмондонларидан Абу Саид Бақр ибн Молик Фарғоний ва вазири Абу Мансур Мұхаммад ибн Узайр (343-345/954-956) исмоилийларга қўшилган аъёнлардан эдилар. Улар шу ва бошқа айбловлар сабабли 345/956 йили қатл этилган (Гардизий, 1363, б. 352). Сомонийлар бошқаруви остидаги Тус вилояти хокими Абу Мансур Мұхаммад ибн Абдураззоқ ат-Тусий ҳам исмоилийлар қаторида тилга олинади (Низомулмулк, 1355, б. 300). Низомулмулк ўз асарида сомонийлар саройи ва девонига оид яна бир неча кишини, жумладан, Мансур ибн Бойқаро, Абулаббос Жарроҳ, Ҳумортегин ва Таканакнинг исмоилийларга қўшилганини айтиб ўтган (Гардизий, 1363, б. 352).

Карромия. Рофизийликнинг яна бир фирмаси карромия бўлиб, у тохирийлар сулоласи даврида вужудга келган, кейинчалик сомонийлар ҳудудида, хусусан, Нишопур ва Ҳирот ҳамда унга туташ ҳудудларда кенг тарқалган. Бу фирманинг асосчиси Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Карром (190–255/806–869) бўлиб, у Сеистоннинг Заранж қишлоғида туғилган. У Хурсоннинг Нишопур, Ҳирот, Балх ва Марв сингари шаҳарларида таълим олган, сўнгра беш йил Маккада яшаган. Сеистонга қайтиб келгач, ўз ғояларини тарғиб қила бошлаган, лекин унинг тарғиботлари бу ерда рад этилади. Шундан сўнг у аввал Ғаржистонга, кейин эса, Нишопурга бориб жойлашди ҳамда бир гуруҳ дехқонлар ва қишлоқ аҳлини ўз ғоясига ишонтирди. Аммо у ерда Мұхаммад ибн Карром тохирийлар сулоласи етакчилари Тоҳир ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир (230–248/844–862) ва Мұхаммад ибн Тоҳир (248–259/862–873) томонидан бузук эътиқоди сабабли қамоқقا ташланган. Саккиз йиллик

қамоқдан сўнг Ибн Карром Нишопурдан сургун қилинади. Шу сабабли у 251/865 йили Дамашққа жўнаб кетади ва 255/869 йили Куддусда вафот этади (Тулепов, 2013, б. 101).

Муқаддасийнинг ёзишича, карромийлар Фарғона, Хуттал, Марваруд, Самарқанд, Журжон, Жузжон, Биёр ва Жиболи Табаристонда бир қанча хонақоҳларга эга бўлган (Муқаддасий, 1967, б. 323). Ушбу фирмә вакиллари ашъарийлик ва мотуридийликни қабул қилган ҳанафий ва шофеъий мазҳаби вакиллари билан доимий баҳс-мунозарада бўлиб келишган. Масалан, 370/981 йили сомонийлар қўшини бошлиғи Абулҳасан Муҳаммад ибн Симжур Нишопурда шофеъийлик мазҳабининг таниқли олими Абдулқоҳир Бағдодий билан карромийлар вакили Иброҳим ибн Муҳожир ўртасида баҳс уюштирган (Бағдодий, 1948. б. 137). Ташкил этилишининг дастлабки йилларида сомонийларга боғлик бўлган ғазнавийлар сулоласи етакчилари Сабуктегин (366–387/977–997) ва унинг ўғли Маҳмуд (387–422/997–1030) карромийларни ўз ҳимоялари остига олади. Карромийлар ҳам ўз навбатида аббосийлар халифалигига ва ғазнавийлар ҳокимииятига боғлик эканликларини билдиради. Ҳатто 381/991 йили Бағдодда Тоъи Лиллаҳ халифаликдан четлатилиб, ўрнига Қодир Биллоҳ тайинланиши муносабати билан нишопурлик карромийларнинг етакчиси Абу Муҳаммад Абдуссалом ибн Муҳаммад ибн Ҳайсам унинг номига хутба ўқишини бошлаган, Маҳмуд ибн Сабуктегинни эса, Хурсон ҳукмдори сифатида эътироф этган (Утбий, 1286, ж. 2, б. 109–111). Ибн Карром ғояларини тизимлаштирган нишопурлик Исҳоқ ибн Маҳмашоз ва унинг ўғли Абу Бакр (421/1030 ваф.э.) ҳам Сабуктегин томонидан қўллаб-қувватланади. Шу тариқа карромийлик Нишопурда катта қувватга эга бўлади. Абу Бакр Маҳмуд ибн Сабуктегиннинг кўрсатмаси ва ёрдами билан исмоилийлар жойлашган қалъани қамал қиласи ва уларнинг бир қисмини осиб ўлдиради. Унинг издошлари ҳам муваффақиятлардан фойдаланиб ўзларига мухолиф бўлганларни бузук ақидада айблаб, жизя тўлашга мажбурлайдилар (Утбий, 1286, ж. 2, б. 309–312). Ҳатто Нишопурда шиалар томонидан эндинина қурдирилган масжид ҳам бузиб ташланади. Шу тариқа Нишопурда карромийларнинг фитнаси кучаяди. Султон Маҳмуд эса, умумий норозиликдан сўнг уларнинг имкониятларини чеклайди ва шу йўл билан шаҳарда тинчлик ўрнатади (Утбий, 1286, ж. 2, б. 313–327). Абу Бакрнинг “тасжим” ҳақидаги фикри сабабли Султон Маҳмуд 402/1011 ёки 1012 йили уни қўллаб-қувватлашни тўхтатади. Карромийларга қарши кўплаб баҳсларда қатнашган шофеъий мазҳаби олими, фақих ва адаб Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фурак Исфаҳоний (406/1016 йили ваф.э.) Ғазнага чақирилади ва у карромийлар билан илмий баҳслар олиб боради. Лекин у уйига қайтишда заҳарланади ва 406/1016 йили вафот этади (Субкий, 1964–1976, ж. 2, б. 130–131). Мўғуллар босқинидан сўнг мазкур фирмә вакиллари ҳақида бирор бир маълумот учрамайди.

Каёлия. Ислом олимлари каёлияни рофизийларга оид фирмә деб биладилар. Бу фирмәнинг етакчиси бўлган Аҳмад ибн Закариё Каёл Хуросоннинг жанубий-шарқида жойлашган Байҳақ ноҳиясининг Байту-н-нор қишлоғида туғилган (Байҳақий, 1967, б. 438). Шахристоний (548/1153 йили вафот этган) уни Жаъфар ибн Мухаммад Содикдан кейин аҳли байтнинг пешвоси ҳамда машҳур имомлардан бири деб билган. Унинг сўзларига кўра, Каёл бир қанча илмий ва фалсафий нутқни заиф ақли сабаб аралаштириб юборган. Шиа етакчилари унинг қарашларини бидъат деб хисоблаб, тарафдорларига ундан узокроқ туришни буюрган. Каёл эса, атрофида тарафдорлар тўплаб, имомликни даъво қиласди (Шахристоний, 1981, б. 77).

Абулмаъолийнинг “Баён ал-адён” асарида ёзилишича, Каёл 295/908 йили пайдо бўлиб, исломга нотаниш қонунлар олиб келди. У форс тилидаги Қуръон тушунчасини ва ҳеч ким билмаган ёзувни яратди (Абулмаъолий, 1342, б. 67). Бу жараёнлар эҳтимолан Кайёлнинг Бухорода сомонийлар вазири Абу Али Мухаммад ибн Мухаммад Жайҳонийнинг иноятларидан баҳраманд бўлган бир даврга тўғри келади. Кайёлга бу таржимани амалга оширишни Жайҳоний тавсия қилган ва уни пойтахт Бухорода эмас, балки Кеш, Нахшаб ва Туркистонда ташвиқ қилишни маслаҳат берган. Кайёл дастлаб Кешга боради, лекин у кешликлар ўз эътиқодларига, фуқаҳо ва имомларига содиқ эканликларига гувоҳ бўлади. Шу сабабли у Жайҳонийнинг кейинги тавсиясига биноан Марвга борди ва ўз даъватини Марв қишлоқларида тарғиб қила бошлайди. Бу ерда у ўз тарафдорларини топишга эришади. Кайёл тез орада ўз издошлари томонидан қатл этилади. Бу орада Жайҳоний ҳам вафот этди. Шу тариқа Кайёлнинг бидъат ғоялари йўқ бўлди (Абулмаъолий, 1342, б. 66, 67).

Абулҳасан Али ибн Зайд Байҳақий (565/1171 йили вафот этган) Каёлнинг ғалати жумлалари ҳақида маълумотлар қолдирган. У яшаган даврда Каёлнинг издошлари ва унинг китоби Самарқандда ҳали ҳам мавжуд бўлган (Байҳақий, 1967, б. 438). 543–606/1149–1210 йиллар оралиғида яшаб ижод этган Абу Бакр Мухаммад ибн Закариё ар-Розий Кайёлнинг ғояларига қарши “Фил-имомати ала-л-Кайёл” номли асар ҳам битган. Баъзи олимларнинг фикрича, Кайёлнинг ғояларига ҳиндуийлик ва монавийлик қарашлари таъсир кўрсатган (Madelung, 1979, p. 847).

ХУЛОСА

Сомонийлар сулоласи даврида мавжуд бўлган рофизийлик тоифасига мансуб бўлган фирмалар бўйича қўйидаги тўхтамларга келинди:

- алавийлик вакиллари фаолияти сомонийлар даврида кенг тарқалди. Бу айниқса, Ҳасан ибн Қосим, Абу Жаъфар Алавий, Абулхусайн Мухаммад ибн Аҳмад Зуборий, Абу Яъло Ҳамза ибн Мухаммад Алавий каби алавийлик етакчилари фаолиятида ёркин намоён

бўлди. Сомоний ҳукумдорлар алавийларнинг сиёсий қаршилигига ҳарбий йўл билан жавоб қайтарган бўлсалар-да, уларнинг эътиқодий қарашларига ва йирик вакилларига ҳурмат билан муомалада бўлдилар.

– сомонийлар бошқаруви остидаги ҳудудларда энг кенг тарқалган рофизий фирмә бу исмоилийлик бўлди. Унинг фаолияти сиёсий жиҳатдан ҳам жуда кучли даражага чиқди. Бунда мазкур фирмә тарғиботчиларидан Абу Абдуллоҳ Ходим, Абу Сайд Шаъроний, Ҳусайн ибн Али Марварудий, Абулҳасан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамдуя ан-Насафийларнинг рўли катта бўлди. Улар оддий аҳолидан ташқари давлат амалдорлари, ҳарбий саркардалар ҳатто ҳукмдорларни ҳам ўз эътиқодларига ишонтира олдилар.

– карромийлар сомонийларнинг йирик шаҳар ва вилоятларида катта мавқега эга бўлишди. Ушбу фирмә ашъарийлик ва мотуридийликни қабул қилган ҳанафий ва шофеъий мазҳаби вакиллари билан доимий баҳс-мунозарада бўлиб келишди. Улар бир муддат сомонийларнинг катта ҳарбий қўмондонлари ҳимоясида фаолият юритдилар, аммо қарашларининг ботиллиги сабаб охир-оқибат бу ҳудудларда таназзулга юз тутдилар.

– Аҳмад ибн Закариё Каёлнинг ғоялари сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ҳудудларида муваффақиятсизликка учраб, Хуросонда маълум муддатга ўз ўрнини топди. Бу жараёнда сомоний амалдорларнинг рўли катта бўлди. Шуни ҳам айтиш мумкинки, сомонийлар давридаги бу каби фирмаларнинг хилма хиллиги жамиятда эътиқод ва қарашлар эркинлигидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абулмаъолий, Муҳаммад ибн Ҳусайн. (1342). Баён ал-адён. Техрон.
2. Lazard, G. (1964). Les Poetes Persans. Tehran/Paris.
3. Madelung, W. (1979). Al-Kayyal. Encyclopaedia of Islam (vol. 1). Leiden.
4. Saidjonov, A. (2022). Somoniylar sulolasi hukmronligi davrida xorijiyalar va jahmiylar. *Yosh olimlar ilmiy-amaliy to ‘plami: konferensiya to ‘plami* (pp. 15-17). Toshkent: “O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi” nashriyot-matbaa birlashmasi.
5. Бағдодий, Абдулқоҳир ибн Тоҳир. (1948). Ал-Фарқ байна-л-фирак. Миср.
6. Бағдодий, Аҳмад ибн Али Хатиб (1985). Тарихи Бағдод. Байрут.
7. Байҳақий, Али ибн Зайд. (1967). Тарихи Байҳақ. Ҳайдаробод.,
8. Гардизий, Абдулҳай ибн Даҳҳок. (1363). Зайн ал-ахбор. Техрон.
9. Заҳабий, Муҳаммад ибн Аҳмад. (1992–1993). Тарих ал-ислом. Байрут.
10. Ибн Асир, Али ибн Муҳаммад. (1982). Ал-Комил фит-тарих. Байрут.
11. Ибн Инаба, Аҳмад ибн Али (1987). Ал-Фусул ал-фаҳрия. Техрон.
12. Ибн Надим, Муҳаммад ибн Исҳоқ. (1346). Ал-Фиҳрист. Техрон.
13. Ибн Фазлан. (1959). Рисола Ибн Фазлон. Дамашқ.

14. Муқаддасий, Мұхаммад ибн Ахмад. (1967). Аҳсан ат-тақосим фи маърифа ал-ақолим. Лейден.
15. Наршахий, Мұхаммад ибн Жаъфар. (1351). Тарихи Бухоро. Техрон.
16. Насафий, Умар ибн Мұхаммад. (1991). Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд. Саудия Арабистони.
17. Низомулмулк, Ҳасан ибн Али. (1355). Сияр ал-мулук (Сиёсатнома). Техрон.
18. Самъоний, Абдулкарим ибн Мұхаммад. (1962–1982). Ал-Ансоб. Ҳайдаробод.
19. Субкий, Абдулваҳҳоб ибн Али. (1964–1976). Табақот аш-шофеъия ал-кубро. Қохира.
20. Табарий, Мұхаммад ибн Жарир (1967). Тарих ал-умам вал-мулук. Байрут.
21. Тулепов, А. (2013). Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тошкент: Шарқ.
22. Тусий, Мұхаммад ибн Ҳасан. (1347). Ихтиёру маърифа ар-рижол. Машҳад.
23. Утбий, Мұхаммад ибн Абдулжаббор. (1286). Ат-Тарих ал-Яминий. Миср.
24. Фазлуллоҳ, Рашидиддин. (1356). Жомеъ ат-таворих (Қисмати исмоилиён). Техрон.
25. Шахристоний, Мұхаммад ибн Абдулкарим. (1981). Мавсуъат ал-милал ван-ниҳал. Байрут.